

Ахборот олиш эркинлиги қонун ҳимоясида

Баннаев Нурмуҳаммад Тошмаматович НаМПИ тарих кафедраси ўқитувчиси, Дўмарова Нилуфар Қамбаралиевна НВПҚТМОИ ўқитувчиси

XXI асрда инсоният тараққиётининг асосий тенденцияларидан бири ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг барча жабҳаларида қўлланилиши бўлиб, унинг негизида ахборотлашув жараёнининг ривожланиши ётади.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин¹.

Замонавий ахборот - коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланмоқда. Ахборот асрида яшаётган эканмиз, инсон ва жамият ҳаётида ахборот оддий эҳтиёж меъёридан чиқиб, сиёсий ва мафкуравий восита, бунёдкорлик ёки вайронкорлик кучига айланмоқда. Ахборот, ахборот айланиши, ахборотлашув, ахборот ҳуружи, ахборот хавфсизлиги каби сўзларни кунда эшитамиз. Мамлакатимиз раҳбари **“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайдим”,** деб қайд этиб ўтади².

Ахборот коммуникация технологияларини ривожланиш истиқболлари ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ноқонуний ҳаракатлар юз бериши,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент.-«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012 йил. Б-12.

² Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008. Б- 112.

оқибатда фуқароларнинг манфаатларига ёки давлат ва жамият манфаатларига ёки уларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқларига маълум даражада зарар етказилиб, ахборот хавфсизлиги таҳдиди ортмоқда³.

Ҳар қандай жамиятда ахборотлаштириш ишларининг кўлами ахборот хавфсизлигини таъминлашни ривожлантириш давлат томонидан тегишли ҳуқуқий базани яратишни тақозо этади. Ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштиришдан асосий мақсад—ахборот коммуникация технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир.

XX асрнинг охирига келиб бутун дунёда ахборот технологиялари ўзининг юқори чўққисига чиқди.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, компьютер фирибгарлиги, компьютер вақтини ўғирлаш, рухсати бўлмаган ҳолда ахборотлаштириш тизимига кириш, зарарли дастурларни (вирус) тарқатиш, ахборотлаштириш тизимидаги маълумотларни йўқотиш, ўзгартириш ёки уларни қалбакилаштириш ва шу каби бошқа қилмишлар содир этилмоқда.

Чет давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тажрибаси шуни кўрсатадики, XX асрнинг 90-йилларида Германияда компьютер техникаси воситасида йилига 4 млрд маркагача, Францияда 1 (бир) млрд. франкгача, АҚШда бир неча млрд. (6,36) долларгача маблағ талон-торож қилинган⁴.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятлар ижтимоий хавфлилиги жуда юқори бўлиб, улар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашига, инсон шаъни ва кадр-қимматига зиён етказди. Ўзгалар мулкани катта миқдорда талон-торож қилишга ҳамда зарар етказишга олиб келади. Турли хил бўхтон ёки уйдирмалар тарқатиш орқали миллий ва жамоат хавфсизлигига, давлатнинг мудофаа ва ҳарбий қудратига

³ Интернет веб манзили: <http://www.region.uz>

⁴ Пархомов. В.А. К определению понятия “Информационное преступление”. Вестник ИГЭА, №2. 2005 г. С-112

тахдид солади ва шу каби бошқа кўплаб оғир ижтимоий хавф-хатарларни келтириб чиқаради.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, улар чегара билмайди, яъни ушбу жиноятлар дунёнинг исталган бурчагидан чегарани босиб ўтмасдан содир этилиши, исталган банкдан катта миқдордаги маблағлар бошқа ҳисоб рақамига ўтказилиши ёки ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар маълумот базасининг коддини бузиш каби хилма-хил кўринишларда намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, саккизлик таркибига кирувчи давлатлар раҳбарлари томонидан 2000 йил 22 июлда имзоланган Окинава глобал ахборот жамияти хартияси, Европа Кенгашининг 1981 йил 28 январдаги Шахсий маълумотларни автоматлаштириб ишлов бериш одатларида жисмоний шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси ҳамда 2001 йил 23 ноябрдаги Кибернетик жиноятчилик тўғрисидаги конвенцияси, Ахборот жамияти куриш принциплари декларацияси шулар жумласидандир⁵.

Европа мамлакатлари Жиноят кодексига бир қатор компьютер ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланган. Компьютерга руҳсатсиз кириш ёки руҳсат берилган чегаралардан четга чиқиш, зарур эҳтиёт чораларига амал қилмаслик, қасддан вируслар тарқатиш, компьютер фирибгарлиги, компьютердан фойдаланиб талон-торож қилиш, компьютер саботажи, электрон хабарлар махфийлигини бузиш (турли тахрирда), компьютер маълумотларини руҳсатсиз эгаллаш, блокировка қилиш, нусха кўчириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, компьютер тизими ёки махсус техника воситаларининг тўғри ишлашини бузиш, компьютер технологиялари

⁵Модернизация образования в современном мире: Материалы межвузовской юбилейной научно-практической конференции. – М.- Тамбов: Тамбовский филиал Московского открытого социального университета 2004. С- 171 – 174.

ёрдамида порнографик махсулотлар тайёрлаш, компьютер техникаси ёрдамида ҳужжатлар, компьютер ёзувларини қалбакилаштириш ана шундай ҳуқуқбузарликлар қаторига киради⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси янги “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” деб номланувчи ХХ¹-боб билан тўлдирилди.

Қабул қилинган қонуннинг 1-моддасига кўра, Жиноят кодексининг “Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” номли 174-моддаси чиқариб ташланди ва унда белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик Жиноят кодексига биринчи мартаба алоҳида киритилган. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ижтимоий хавфли бўлиб, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан, тизимидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Масалан, бобнинг 278⁶-моддаси “зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш”, деб номланиб, унга асосан компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлаш назарда тутилган. Агар ўша ҳаракатлар: жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан

⁶ Модернизация образования в современном мире: Материалы межвузовской научно-практической конференции. Выпуск 2/ Науч. ред. А.П. Печников. Тамбов. Першина 2005. с. 88 – 90.

тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бугунги кунда ахборот хавфсизлиги биринчи даражали масала бўлиб, ҳар қандай давлат миллий хавфсизлигининг муҳим қисмига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент.-«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012 йил.
2. Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
3. Интернет веб манзили: <http://www.region.uz>
- 4.Пархомов. В.А. К определению понятия “Информационное преступление”. Вестник ИГЭА, №2. 2005 г.
- 5.Модернизация образования в современном мире: Материалы межвузовской юбилейной научно-практической конференции. – М.- Тамбов: Тамбовский филиал Московского открытого социального университета 2004.
- 6.Модернизация образования в современном мире: Материалы межвузовской научно-практической конференции. Выпуск 2/ Науч. ред. А.П. Печников. Тамбов. Першина 2005.